



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 30 декабрь, № 275 (9170)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САУДИЯ АРАБИСТОНИ ЭЛЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 декабрь куни мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Фавкулудда ва мухтор элчиси Юсуф ал-Утайбийни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари элчининг самарали фаолиятини ҳамда Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги ҳар томонлама шериклик муносабатларини ривожлантириш ва мустақамлашга қўшган шахсий ҳиссасини алоҳида таъкидлади.

Турли даражаларда тизимли мулоқот ва фаол алоқалар йўлга қўйилгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш, тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми ва қўшма корхоналар сони жадал ўсиб бормоқда. Саудия Арабистонининг етакчи компаниялари билан лойиҳалар портфели 27 миллиард доллардан ошди.

“Яшил” энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, инфратузилмани ривожлантириш ва бошқа устувор соҳаларда лойиҳа ҳамда ташаббуслар амалга оширилмоқда.

Маданий-гуманитар алмашинувлар фаоллашди. Жорий йилнинг октябрь ойида Саудия Арабистонда Ўзбекистон маданияти кунлари юқори савияда ўтказилди. Мамлакатимиз Ар-Риёдда бўлиб ўтган Халқаро китоб кўргазмасида иштирок этди.

Ўзбекистон етакчиси Саудия Арабистони Ҳукуматиға фуқароларимизнинг Ҳаж ва Умра амалларини адо этишиға яратилган қулай шароитлар учун миннатдорлик билдирди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти Юсуф ал-Утайбийға Ўзбекистон — Саудия дўстлик ва кўп томонлама шериклик муносабатларини мустақамлашға қўшган катта ҳиссаси учун “Дўстлик” орденини топширди.

Элчи унинг дипломатик миссиясига берилган юксак баҳо ҳамда Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасида кенг кўламли ҳамкорлик ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун мамлакатимиз етакчисига чуқур миннатдорлик изҳор этди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ҚЎМИТАЛАР ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Олий Мажлис Сенати қўмиталарида 2025 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинмоқда. Хусусан, кеча Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

Йиғилиш

Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси йиғилишида 2025 йилда қонунчиликни такомиллаштириш, парламент назоратини кучайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Хусусан, қўмита томонидан Сенат ялли мажлислари кун тартибига киритилган 21 та қонун маъқулланиб, битта қонун қўмита ҳулосаси асосида рад этилган. Қонунлар, асосан, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, давлат бошқаруви ва ижро қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилди. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи доирасида 3 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатасига киритилган.

Назорат-таҳлил фаолияти доирасида 46 та тadbир ўтказилиб, Сенат ялли мажлисларида вазирилик ва идоралар раҳ-

барларининг ахборотлари эшитилди ва меҳнат қонунчилигиға рияэ этилиши, суд ҳужжатларининг ижроси ҳамда талабалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари юзасидан парламент ва сенаторлик сўровлари юборилган.

Халқ билан мулоқот ва мурожаатлар билан ишлаш йўналишида 3 мингга яқин мурожаатлар кўриб чиқилиб, уларнинг салмоқли қисми ижобий ҳал этилди.

Бундан ташқари, қўмита йиғилишида маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорликда доимий комиссиялар аъзолари учун семинар ва ўқув тadbирлари ташкил қилинганлиги, халқаро ҳамкорлик доирасида хорижий парламентлар ва халқаро ташкилотлар билан учрашувлар ўтказилгани айтилди.

Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қўмитанинг 2025 йилдаги қонунчилик ва парламент назорати фаолияти борасида амалга оширган ишлари ҳақида ахборот берилди ҳамда 2026 йилдаги устувор вазифалар белгилан олindi.



Сиёсий партиялар фракцияларида

МУРОЖААТНОМА — ИЖТИМОЙ АДОЛАТ, ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДАСТУРИЙ ҲУЖЖАТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш, иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделиға ўтказиш, касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш, экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий давлат бошқаруви ҳамда адолатли суд-ҳуқуқ тизими борасидаги ислохотларни давом эттириш бўйича устувор йўналишлар белгилан берилди.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг кеча бўлиб ўтган йиғилишларида Мурожаатномада илгари сурилган ташаббуслар мазмун-моҳиятини сайловчиларға етказиш, юртимиз равнақиға хизмат қиладиган вазифаларни амалға ошириш жараёниларида фаол иштирок этиш, бу борада муҳим чора-тadbирларни белгилан олиш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Жумладан, икки сиёсий партия — **Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси** ҳамда **Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси** фракциялари аъзоларидан иборат **“Тараққиёт блоки”**нинг йиғилишида Мурожаатномада белгилан берилган 6 та устувор йўналиш ҳамда улардан келиб чиқиб, “Маҳаллани ривожлантириш ва жа-

миятни юксалтириш йили” давлат дастурида назарда тутиладиган вазифаларнинг сўзсиз ижро этилишини таъминлаш, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини янгидан қабул қилиш мақсадларига эришиш парламент зиммасиға алоҳида масъулият юклаши қайд этилди.

— Мурожаатномада белгиланган устувор йўналишлар ЎзЛиДеП сайловолди дастурида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларға тўлиқ мос келади, — деди **фракция раҳбари Ақтам Ҳайтов**. — Партиямиз ва унинг фракцияси ушбу ислохотларни амалға оширишда қонун ижодкорлиги, парламент назорати ва жойлардаги амалий ишларни янада кучайтирган ҳолда иқтисодиётни юксалтириш, ҳусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш ва тadbиркорлик учун янада қулай муҳит яратиш йўлида масъулият билан фаолият олиб боради.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида мамлакатимиз етакчиси ва Қозоғистоннинг биринчи Президенти яқинлашиб келаётган Янги йил байрами муносабати билан бир-бирларини самимий қутлаб, қардош мамлакатларимиз халқларига тинчлик, барқарорлик ва равнақ тилақларини изҳор этдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари юксак даражаға чиққани, шунингдек, кўп қиррали ҳамкорлик барча устувор соҳаларда изчил ривожланаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Ў.А.

ИҚТИСОДИЁТ ЙЎНАЛИШИДА ЭРИШИЛГАН УЛКАН ЮТУҚЛАР

СўНГИ ТўҚҚИЗ ЙИЛДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КАТТА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИ БОСИБ ЎТДИ. БИРГИНА ЯНГИДАН ШАКЛЛАНГАН ИҚТИСОДИЁТ ЙЎНАЛИШИДАГИ ЮТУҚЛАР УЛКАН:

2025 йилда тарихимизда биринчи марта ялли ички маҳсулот

145 миллиард
доллардан ошди;

глобал савдо тизимида “ўйин қоидалари” ўзгараётган бир пайтда бу йил экспортимиз 23 фоизға ошиб

33,4 миллиард
долларға етказилади;

энг муҳими, ислохотларимиз учун мустақам молиявий база бўладиган олтин-валюта захираларимиз илк бор

60 миллиард
доллардан ошди;

жорий йил иқтисодиётимизға жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми

43,1 миллиард
долларға етди;

жами инвестицияларнинг ялли ички маҳсулотдаги улуши

31,9 фоизни
ташкил этмоқда.

Бу эса иқтисодиётимиз келгуси йилларда ҳам юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бориши учун замин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР





ҚЎМИТАЛАР ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Таъкидланганидек, ўтган йил давомида қўмита томонидан қонун устуворлигини таъминлаш ва парламент назоратини кучайтириш йўналишида ўтказилган 17 та мажлисда жами 33 та масала кўриб чиқилди. Шундан 21 та қонун муҳокама қилиниб, маъқулланди.

Соҳага оид 6 та ахборот ва 2 та ҳисобот эшитилиб, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва коррупцияга қарши курашиш йўналишида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида ўрганишлар ўтказилган.

Бундан ташқари, қўмита аъзолари 2025 йил давомида Сенат ялпи мажлисларида муҳокама қилинган қонунлар ва бошқа масалаларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида доимий равишда тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб борди.

Ҳисобот даврида қўмита аъзолари томонидан жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 700 дан зиёд мурожаатлар кўриб чиқилиб, улардан 510 таси ижобий ҳал этилган. Дол-

«ЯШИЛ МАКОН» УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ ИЖРОСИ САРҲИСОБИ

Аввал хабар қилинганидек, Қашқадарё вилоятида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, дарактлар экиш ва парваришlash, “яшил белбоғлар”ни барпо этиш бўйича олиб борилган ишлар ўрганилган эди.

Ўрганиш

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг яқинда ўтган қўшма мажлисида ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, вилоятда лойиҳа доирасида 11,2 млн. туп кўчат ва буталар экилган ҳамда уларнинг кўкарувчанлиги ўртача 85 фоизни ташкил этади. “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида 54 та яшил боғ ҳамда яшил жамоат парки яратилган.

Экилган кўчатлар тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида “yashilmakon.eco” электрон платформасига кириштирилган.

Табиий омиллар, касаллик ва зараркунандалар таъсирида зарарланган даракт, буталарнинг мониторинги ўтказилиб, ҳудудлар кесимида зарарланган майдонлар харитаси тuzилган ва 824 гектар майдонда фитосанитар назорат тадбирлари ўтказилган.

Шунингдек, кўчатларни агротехник талабларга мос равишда экиш, уларни парваришlash, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш тадбирларини тўғри ташкил этишга бағишланган 60 га яқин амалий се-

ишлари етарли даражада ташкил этилмаган.

Муҳокама чоғида камчиликларни бартараф қилиш юзасидан масъулларга қатор таклиф ва тавсиялар берилди. Хусусан, экилган кўчатлар ҳақидаги маълумотларнинг “Yashilmakon.eco” электрон платформасига ўз вақтида ва ҳаққоний киритилишини таъминlash, ҳар бир ҳудуднинг иқлими, тупроқ шaroитларидан келиб чиққан ҳолда даракт тури ҳамда экиш жойларини белгилash лозимлиги таъкидланди.

Йирик саноат корхоналари атрофи ва уларга туташ ҳудудларда ҳамда чиқинди полигонлари атрофларида “яшил белбоғлар” барпо қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг амалга оширилиши юзасидан қатъий депутатлик ва жамоатчилик назоратини давом эттириш, ҳудудий экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг бу борада амалга оширган ишлари тўғрисидаги ахборотни Кенгаш сессияларида эшитиб бориш тавсия этилди.

Пировардида ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, дарактлар экиш ва парваришlash, кўчатларнинг ташкил қилиш, яшил боғлар барпо этиш бўйича ҳамда соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этишга қаратилган қўшма қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ЎЗБЕКИСТОН ЙИЛДАН-ЙИЛГА МУВАФФАҚИЯТЛИ РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАНИГА ГУВОҲ БЎЛМОҚДА

Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлис ва мамлакат халқига Мурожаатномаси хорижий экспертлар диққат марказида

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 26 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси халқро микёсда кенг акс садо бериб, хорижий сиёсатчилар, таҳлилчилар ва экспертлар ҳамжамиятининг эътиборини тортиди.

Хорижий экспертларнинг фикрича, Мурожаатномада баён қилинган қоидалар амалга оширилаётган ислохотларнинг тизимли ва узок муддатли хусусиятини акс эттириб, давлат бошқаруви ва ижтимоий ривожланишга ёндашувлар эволюциясини намойиш қилади. Таҳлилчиларнинг таъкидлашича, маҳаллий ҳамжамиятлар, ижтимоий барқарорлик ва фуқаролик иштирокига эътибор Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш ва ижтимоий масъулият мувозанатига асосланган инклюзив ривожланиш моделини шакллантиришга интилишидан далолат беради.

Дунё нигоҳи

Ильяс УМАХАНОВ,
Россия Федерал Мажлиси Федерация
Кенгаши Фан, таълим ва маданият
қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари:

«Авалло, айтишим жойиз, Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон эришган улкан натижалар таҳсинга сазовор.

Ўзбекистон сўнгги йилларда кенг қамровли модернизация йўлидан дадил ва изчил бормоқда. Иқтисодиётда эришилган ютуқлар — ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши, рекорд даражадаги инвестициялар, молия тизимининг мустахкамланиши очик бозор иқтисодиётини яратиш бўйича танланган йўлнинг тўғрилигидан далолат беради. Ижтимоий соҳадаги муваффақиятлар алоҳида таассурот қолдирмоқда. Камбағалликни икки баробар қисқартириш мақсадида муддатидан олдин эришилган ишонакли статистика эмас, балки миллионлаб Ўзбекистон фуқаролари ҳаётининг реал яхшиланиши, десак, айна ҳақиқат.

2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятнинг юксалтириш йили” деб эълон қилинган кўчур рамзий маънога эга. Бу қадам ислохотлар марказида инсон, унинг фаровонлиги ва ижтимоий ҳамжиҳатлик турганини тасдиқлайди. Ўзбекистоннинг маҳалла институтини жамият таянчи сифатида мустахкамлаш борасидаги тажрибаси бебаҳо ва шубҳасиз, қўллаб-маълakatлар, жумладан, жамоавийлик ва ўзаро ёрдам аъёналари кучли бўлган Россия учун ҳам қизиқishi уйғотлади.

Тадқим этилган 2026 йилга мўлжалланган дастур ўзининг кенг қамровлилиги билан кишини хайратга солади. Технологик ютуқларга, сунъий интеллект соҳасидаги лойиҳалар ва улкан космик дастурга уруғ бериш давр талабларига мос келади ва Россия — Ўзбекистон илмий-техникавий ҳамкорлиги учун янги уфқларни очади.

Россия — Ўзбекистон муносабатлари кўп асрлик дўстлик, ўзаро ҳурмат ва халқро кун тартибидagi асосий масалалар бўйича позицияларнинг мос келиши ёки яқинлигига асосланган кенг қамровли стратегик шериклик хусусиятига эга. Ишончимиз комилки, Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан белгилаб берилган янги устувор йўналишларнинг амалга оширилиши барча соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш учун янги туртки бўлади.

Александра ПЕРМИНОВА,
Россия Фанлар академиясининг Хитой ва
замонавий Осиё институтини илмий ходими:
— Президент Шавкат Мирзиёев парламент ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида сўнгги

йилларда мамлакатда эришилган макроиктисодий натижаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Ислохотлар даврида республика барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини намойиш этмоқда.

Россия Ўзбекистон иқтисодиётидаги бундай тенденциялардан жуда манфаатдор. Бу Марказий Осиёда минтақавий барқарорликни мустахкамлашга ҳисса қўшади ва савдо-инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш учун қулай шароит яратяди.

Саноатни ривожлантиришнинг эълон қилинган устувор йўналиши алоҳида эътиборга лойик. Ўзбекистон газ-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника ва кимё саноатида лойиҳаларни амалга ошириш орқали қайта ишлаш тармоқлари улушини мақсадли равишда кўпайтириб бормоқда. Шу маънода, мамлакатларимиз ҳамкорлиги учун қўшимча имкониятлар очилмоқда.

Россия компаниялари энергетика, жумладан, атом энергетикаси, қазиб олиш тармоқлари, саноат ускуналарини етказиб бериш ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларида иштирок этмоқда. Икки мамлакатнинг сармоявий ресурслари ва ишлаб чиқариш ваколатларини уйғунлаштириш асосида технологик ҳамкорликни чуқурлаштириш учун асос яратилмоқда.

Бугунги кунда бизнинг стратегик мўлжалларимиз кўп жиҳатдан бир-бирига мос келади. Бу эса нафақат Ўзбекистон ёки Россия, балки бутун минтақа тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор яратяди.

Ян ЦЗИПИН,
«Travel&Leisure» нашри бош муҳаррири
(Хитой):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2026 йилни “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятнинг юксалтириш йили”, деб эълон қилишни тақдир этди. Ушбу ташаббусни амалга ошириш доирасида маҳаллаларни ривожлантириш учун Давлат бюджетидан кўпроқ маблағ ажратилиши, чунки бу ўзини ўзи бошқариш институти аллақандак ўзини оқлаган.

Уларни ободонлаштириш, аҳоли ҳаётини яхшилаш, иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этишга катта эътибор қаратилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда маҳалла ноёб жаҳон тажрибасига эга бўлиб, одамларнинг аҳил

яшаши ва камол топиши учун энг қулай муҳит ҳисобланади.

Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистоннинг йилдан-йилга муваффақиятли ривожланиб бораётганига гувоҳ бўлмоқда. Мамлакатда замонавий технологиялар ва илгор инновациялардан фаол фойдаланилмоқда.

Шубҳасиз, бундай натижаларга фақат ўз халқи фаровонлиги ва мамлакат равнақини ҳамма нарсдан устун қўядиган давлат раҳбарининг оқилона ва стратегик раҳбарлиги остида эришиш мумкин.

Абдулҳамид Ҳамид Абдуллоҳ ал-КУББИ,
Саудия Арабистонининг «Sahm News»
нашри муҳбири:

— Президент Шавкат Мирзиёев парламент ва Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига Мурожаатномаси дастурий хараكتерга эга.

Президент сўзининг аввалида ўтган йиллар давомида ислохотлар ҳар бир инсон, ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла ҳаётида сезилганини таъкидлади.

Мураккаб халқро вазиет, глобал иқтисодий эидиятлар ва хавфсизликка таҳдидлар кучайиб бораётганига қарамай 2025 йилда Ўзбекистон учун улкан ютуқлар йили бўлди. Бу ютуқларга халқнинг фаол қўллаб-қувватлаши ҳамда вазмин ва дўстона ташки сиёсат тўғрисида эришилди.

Иқтисодий соҳада барқарор ривожланиш қайд этилди. Мамлакат тарихида ilk бор ялпи ички маҳсулот ҳажми 145 млрд. доллардан ошди.

Мурожаатномада ижтимоий сиёсатга алоҳида эътибор қаратилди. 2025 йилда яна 5 млн. кишида даромад манбаи пайдо бўлди, ишсизлик даражаси 4,9 фоизга, камбағаллик кўрсаткичи эса 5,8 фоизга камайди.

Халқро майдонда Ўзбекистон фаол мулоқот майдони сифатида ўз макенини мустаҳкамлади. 2025 йилда мамлакат Парламентлараро Иттифокнинг юбилей ассамблеяси, ЮНЕСКО тадбирлари, “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммити, Халқро иқлим форумига мезбонлик қилди.

Мурожаатномада 2026 йилга мўлжалланган олти асосий устувор йўналиш — маҳаллалар инфратўлиқмасини ривожлантириш, иқтисодиётни технологик ва инновацион моделга ўтказиш, ички талабни рағбатлантириш, меҳнат бозори ва профессионал таълим тизимини ислох қилиш, экологик мувозанат ва “яшил” энергетикани таъминlash, давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини янада модернизация қилиш вазифалари белгилаб берилди.

Президент мамлакатининг стратегик мақсади — даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириш эканини таъкидлади. Прогнозларга кўра, 2026 йилда ЯИМ ҳажми 167 млрд. долларга етади, 2030 йилга бориб эса 240 млрд. доллардан ошиши мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев Мурожаатномани аюқлар экан, барчани ҳамжиҳатлик ва бирдамликка чақирди: агар биз ҳамжиҳат бўлиб, ягона халқ, ягона миллат бўлиб олга интилсак, қўзлаган улуг мақсадларимизга албатта етамиз. Мен мард ва олийжаноб халқимизга ишонаман.

«Дунё» АА.

МУРОЖААТНОМА — ИЖТИМОЙ АДОЛАТ, ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДАСТУРИЙ ҲУҶЖАТ

“Миллий тикланиш” ДП фракцияси раҳбари Алишер Қодиров Мурожаатномада Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш бўйича олти устувор йўналишдан иборат йўл қўрастиб берилганини таъкидлади. Бу йўл Янги Ўзбекистон қудратини янада юксалтиришни таъкидлади. Унда парламент олдига ҳам бир қатор вазифалар қўйилгани айтилди.



Ийгилишда барча соҳаларда, хусусан, ички бозорда талабни рағбатлантириш, аҳоли даромадлари ва харид қобилиятини ошириш, инфляция даражасини барқарор ушлаб туриш бўйича қўлланган чора-тадбирларга ҳам эътибор қаратилди. Бу борада уй-жой ипотекаси, истезмол ва хизматлар соҳаси, туризм ҳамда транспорт инфратўлиқмасининг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш орқали иқтисодий фаоллиқни оширишда парламент ва жамоатчилик иштирокини кучайтириш муҳимлиги ургуланди.

Шунингдек, мамлакатимиз меҳнат бозорини янги архитектура асосида — касб, маляка, технология ва таълимни бирлаштирадиган ягона механизм сифатида шакллантириш масалалари ҳам диққат марказида бўлиб, бу борадаги вазифаларни рўёбга чиқариш орқали ёшлар замонавий касбларга эга бўлиши таъкидланди.

Депутатлар Мурожаатномада белгиланган устувор йўналишлар партиялар сайловдиди дастурида кўзда тутилган мақсад ва вазифалар билан тўлиқ уйғун эканини айтиб, мазкур вазифалар ижросини таъминlashда фаол иштирок этишини билдирди.

Ийгилишда белгиланган йўналишлардан келиб чиқиб, “Тараққиёт блоқи” олдига турган муҳим вазифалар белгилана олсинди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси Ийгилишида Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга тақдим этган Мурожаатномасининг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Фракция раҳбари Робохон Маҳмудова Мурожаатнома сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларга ҳоли сиёсий баҳо бериши билан бирга, Янги Ўзбекистон тараққиётининг келгуси босқичини белгиллаб берган муҳим дастурий ҳужжат эканини таъкидлади.

— Бундан тўққиз йил аввал мамлакатимизнинг инвестициявий салоҳияти ва экспорт кўрсаткичлари паст даражада эди. Истикбoллий лойиҳаларнинг камлиги аҳоли бандлигига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Ҳар қанча мураккаб бўлмасин, халқимиз Президентимиз раҳбарлигида тарихий даврни босиб ўтди. Бугун эришилаётган натижалар аҳоли турмуш фаровонлигида ўз ифодасини топтомоқда. — деди фракция раҳбари.

Ийгилишда Мурожаатномада белгиланган стратегик йўналишлар “Адолат” социал-демократик партияси сайловдиди дастуридаги устувор ғоялар билан ҳамоханг экани қайд этилди.

Мунозаралар чоғида фракция аъзоси Тоҳир Полвонов соғилки сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва келгуси вазифалар хусусида, фракция аъзоси Шухрат Якубов замонавий давлат бошқаруви ва адолатли суд-ҳуқуқ тизимини шакллантириш борасидаги ишлар ҳақида, фракциянинг яна бир аъзоси Гулнораҳон Абдувоҳидова эса аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ийгилишда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам диққат марказида бўлди. Шунингдек, хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича эришилган натижаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. 2025 йилда икки миллиондан ортиқ аёллар скрининг текширувларидан ўтказилгани, 50 минг нафардан кўпида хавфли ҳолатлар аниқланиб, ўз вақтида олди олингани, шунингдек, оналар ва болалар ўлими икки бараварга камайгани соҳага қаратилган эътибор натижаси сифатида ургуланди.

Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномаси Янги Ўзбекистоннинг барпо этиш йўлида ижтимоий адолат, қонун устуворлиги ва инсон қадрини юксалтиришга қаратилган дастурий ҳужжат бўлиб хизмат қилиши таъкидланди. Фракция аъзолари таълим, соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ тизими, ижтимоий ҳимоя ва коррупцияга қарши курашиш соҳаларидаги ислохотларни амалга оширишда янада фаол иштирок этиши белгилана олсинди.

Парламентдаги муҳолифат — Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси мажлисида Мурожаатномада сўнгги тўққиз йилда эришилган ютуқ ва натижалар аниқ рақамлар асосида таҳлил қилингани, давлат ва жамият олдига турган долзарб вазифалар белгилаб берилгани таъкидланди.

Фракция раҳбари Ўлугбек Иноятлов қайд этганидек, Мурожаатномада илгари сурилган тақдир ва ташаббуслар кўп миллатли халқимизнинг ижтимоий кайфиятини кўтариб, давлат сиёсатида бўлган ишонччи янада мустаҳкамлади.

— Давлат раҳбарининг “биз ислохотларни аниқ амалий натижага айлантиришни ўргандик” деган фикри замирида чуқур маъно муассасам, — деди фракция раҳбари.

Депутатлар иқтисодиётда эришилаётган натижалар ижтимоий ҳаётда ўз аксини топаётгани, миллионлаб оилалардаги муҳит тубдан ўзгараётганини алоҳида қайд этилди.

Камбағалликни қисқартириш ва маҳаллани ривожлантириш масалалари партиянинг дастурий мақсадлари билан ҳар томонлама уйғун экани таъкидланди. Сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида маҳаллапарварлик ҳисси янада юксалгани, бу эса ватанпарварликнинг амалий кўриниши экани айтилди.

Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятнинг юксалтириш йилида иқтисодиётни жадал ри-

«Халқ сўзи».

УМУМБАШАРИЙ МУАММОНИНГ СТРАТЕГИК ЕЧИМИ

Президентимиз парламент ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида 2026 йилни “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”, деб эълон қилди ҳамда 2026 йилда амалга ошириладиган энг муҳим 6 та устувор йўналишга алоҳида тўхталиб ўтди.



Сир эмаски, бугунги кунда дунёда экология муаммоси долзарб масалага айланди. Ер юзининг бирор-бир давлати йўқки, у билан тўқнаш келмаган бўлин. Ана шу умумбашарий бўҳрон кўламидан келиб чиққан ҳолда, экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Мурожаатноманинг беешинчи устувор йўналиши сифатида белгиланди.

Бунда экология, айниқса, сув масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани жуда муҳим ва долзарбдир. Бугун сув танқислиги, иқлим ўзгариши нафақат миллий, балки глобал муаммога айланиб бораётган бир пайтда давлат раҳбарининг бу масалани стратегик даражага кўтариши келажак авлодлар олдидаги масъулиятимизни аниқлашди.

Мамлакатимиз сўнгги йилларда сув танқислиги, курғоқчилик синовларини бош-

дан кечирмоқда. Бу ҳолат, айниқса, Амурдёнинг куйи ҳавзасида жойлашган ҳудудларда яққол сезилди. Шу боис сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва адолатли тақсимлаш бўйича қонунчилик меъёрларини кучайтириш тақлифи замон талаби деб ўйлайман.

Амударё ўзанидаги янги канал қурилиши масаласида кўшни Афғонистон ҳамда халқаро ҳамжамият билан очик ва конструктив мулоқот олиб бориш ташаббуси эса минтақада барқарорлик, ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Президентимиз сув ҳўжалиги тизимини ислох қилиш кечиктириб бўлмас вазифа эканини таъкидлаб ўтди.

Сув ҳисоб-китобини рақамлаштириш, 13 мингга яқин объектларни замонавий тизимга ўтказиш, насос станцияларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш — буларнинг барчаси сув

йўқотишларини камайтиришга, уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган аниқ чоралар бўлади.

Дунёда сув танқислиги муаммоси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Шу боис ислохотларимизнинг илк кунлариданоқ сувдан оқилона фойдаланиш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди.

Сув тежаш технологияларини кенг қўллаш, сув иншоотларини модернизациялаш, суғориш тадбирлари бўйича келгуси уч йил учун қиймати 5,5 млрд. долларлик катта дастур қабул қилинди. Дастурда белгиланган вазифаларни ижро этиш баробарида сувни тежайдиган технологиялар қамрови 61 фоизга етказилиб, йилгига 2,5 млрд. кубометр сув тежаллади.

Президентимиз ўз Мурожаатномасида сув тежайдиган технологияларни қўллаш тадбирларига 2026 йилда жами 3 трлн. 300 млрд. сўм йўналтирилиши ҳақида айтиб ўтди. Айни чоғда 1 минг 300 километрлик йирик магистраль каналлар бетон билан қопланishi учун бюджетдан 3 трлн. сўм сарфланади. Бу кўшимча равишда йилгига 500 млн. кубометр сувни иқтисод қилиш имконини беради.

Бундан ташқари, жойлардаги очик дренаж ва коллекторларни ёпик тизимга ўтказиш бўйича алоҳида дастур қабул қилиш ва ушбу мақсадлар учун дастлабки босқичда 2026 йил учун 100 млн. доллар ажратилиш режалаштирилган. Демак, табиатни асраш,

сувни тежаш ва оқилона фойдаланиш, ер унумдорлигини сақлаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимизга айланиши лозим.

Жорий йилда қишлоқ ҳўжалигида олиб борилган ислохотлар ҳам ўзининг амалий натижаларини берди. Қарийб 100 минг гектар экин ерларининг аҳолига ажратилиши орқали 400 мингдан ортиқ янги деҳқон ҳўжаликлари ташкил этилди, миллионлаб юртдошларимиз иш билан банд бўлди, уларга даромад топиш имкони яратиб берилди. Бу ислохотлар жойларда ишсизликни камайтириш, айниқса, камбағалликни қисқартиришда катта омил бўлди.

Келгуси йилда ҳам бу ишларни давом эттириш, аҳолига яна кўшимча экин майдонлари ажратиш орқали 750 мингдан ортиқ деҳқон ҳўжаликларини ҳақиқий мулкдорга айлантириш натижасида Янги Ўзбекистон қиёфасини маҳаллаларга кўчириш ўз самарасини беради деб ишонамиз.

Сенат аъзоси сифатида Мурожаатномани кенг тарғиб қилишимиз, ушбу ислохотларни қонунчилик жиҳатдан қўллаб-қувватлашимиз ва жойларда ижросини таъминлаш бўйича халқимиз вакиллари билан очик мулоқотда фаол бўлиш бизнинг асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

Анвар ТҲҲИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва
экология қўмитаси раиси.

МИНТАҚАВИЙ БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Бугун жаҳонда геосиёсий ва иқтисодий муаммолар тобора чуқурлашиб бораётган, турли зиддиятлар ва беқарорлик омиллари кучайган бир пайтда Ўзбекистоннинг очик, прагматик ва мувозанатли ташқи сиёсат юритаётгани алоҳида аҳамият касб этмоқда.



Айни вазиятда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида Ўзбекистон бундан кейин ҳам барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва конструктив муносабатларни янада мустаҳкамлаш ҳақида алоҳида қайд этиб ўтилди.

Президентимиз томонидан белгиланган ташқи сиёсат концепциясининг асосий моҳияти — барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро ҳурмат ва конструктив мулоқотга асосланган муносабатларни изчил давом эттиришдан иборат. Бу ёндашув мамлакатимиз миллий манфаатларига тўлиқ жавоб беради ва халқаро майдонда Ўзбекистон нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилаётди.

Айниқса, яқин кўшнларимиз билан кўп асрилик дўстлик, яхши кўшнчилик ва стратегик шерикликка таянган муносабатларни янада ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгилангани эътиборга молик. Марказий Осиё давлатлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, транспорт-логистика, энергетика, сув ресурслари, экология, хавфсизлик, маданият ва таълим соҳаларида ҳамкорликни чуқурлаштириш минтақавий барқарорликнинг асосий гаровидир.

Афғонистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, уни минтақадаги иқтисодий жараёнларга жалб этиш нафақат иқтисодий, балки хавфсизлик нуктаи назаридан ҳам стратегик аҳамиятга эга. Бу ёндашув Ўзбекистоннинг тинчликпарвар ва масъулиятли ташқи сиёсатининг яққол ифодасидир.

Шу билан бирга, Халқаро валюта жамғармиси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки

каби етакчи молия институтлари билан ҳамкорликда иқтисодиётимизни модернизация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш, барқарор энергетика ва транспорт лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилаётгани ҳам юксак натижалар бермоқда.

МДҲ, Туркий давлатлар ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Ислам ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги шерикликни янада кенгайтириш Ўзбекистоннинг кўп қиррали ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутди.

Россия, Хитой, АҚШ, Туркия ҳамда Европа, Осиё ва Яқин Шарқ давлатлари билан кўп қиррали, ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, Жануби-Шарқий Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари билан янги йўналишларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири бўлиб қолиши ҳам таъкидлаб ўтилди.

Президентимиз томонидан юритилаётган очик, ишончли ва прагматик ташқи сиёсат мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва минтақавий барқарорликка хизмат қилади. Бу йўлдан огишмасдан, миллий манфаатларимизга таянган ҳолда саъй-ҳаракат олиб боришимиз — барчамизнинг умумий масъулиятимиздир.

Одилжон МАМАТҚАСИМОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Халқаро муносабатлар, ташқи
иқтисодий алоқалар, хорижий
инвестициялар ва туризм масалалари
қўмитаси раиси ўринбосари.

ФАРОВОНЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси эртанги кунимизни белгилаб берган ҳақиқий “Йўл ҳаритаси” бўлди. Бу нутқ ислохотларимизни янги босқичга олиб чиқишда катта туртки бериши, шубҳасиз.



Давлатимиз раҳбари очик ва самимий руҳда бугунги ютуқларни ҳам, олдимизда турган вазифаларни ҳам аниқ кўрсатиб берди. Биз, депутатлар учун бу Мурожаатнома сайловчиларимиз олдидаги ҳисобдорлик ва янги марралар сари бел боғлаб ишлаш учун катта куч бўлди.

Иқтисодиёт ҳақида гапирганда, кўпчилигимиз учун авваллари 100 млрд. долларлик марра ушламас оруздек туюларди. Лекин меҳнатимиз меvasи ўлароқ, бу йил тарихимизда биринчи марта ялпи ички маҳсулот 145 млрд. доллардан ошди. Бу шунчаки рақамлар эмас, балки юртимизда минглаб янги корхоналар очилгани, одамларимизнинг ишли бўлаётганидан далолат. Экспортимиз ҳам 23 фоиз ўсиб, 33,4 млрд. долларга етгани дунё бозорига ўзбек маҳсулотига талаб ортиб бораётганини кўрсатади.

Яна бир қувонарли томони, олтин-валюта захираларимиз илк бор 60 млрд. доллардан ошди. Бу дегани, эртанга қандай синов келмасин, давлатимизнинг барқарорлигини таъминлашга ҳурби етади. Чет элдан 43,1 млрд. доллар инвестиция кириб келгани эса инвесторларнинг Ўзбекистонга бўлган катта ишончидан. Бу маънага янги заводлар, иш ўринлари дегани! Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши қарийб 32 фоизни ташкил қилапти, бу эса кела-

жақда ҳам иқтисодиётимиз барқарорлигига замин бўлади. Дунё ҳамжамияти ҳам Ўзбекистондаги ўзгаришларни кўриб турибди. Халқаро рейтинг агентликлари суверен рейтингимизни “ВВ-”дан “ВВ”га кўтаргани биз учун жуда муҳим ютуқ бўлди. Президентимиз айтганидек, бу оддий рақам эмас, балки четдан келадиган кредитларнинг фоизи 1-1,5 пунктка арзонлаштири, деганидир. Натижада ташқи қарз ҳаражати йилгига 250 — 300 млн. долларга камаяди — бу тежалган пулларни мактаб ва шифохоналар қуришга ишлатас бўлади. Шунингдек, технологик ривожланиш бўйича дунёнинг энг илгор 10 та давлати қаторига кирганимиз ҳам катта шараф.

Халқимизни энг кўп қўнайдиган масала — бу инфратузилма. Жорий йил энергетикада катта бурилиш қилиниб, электр ишлаб чиқариш 85 млрд. киловатт-соатга етказилди. Энг муҳими, 715 минг аҳоли хонадонига илк бор тоза ичимлик суви кириб борди, яна миллионлаб одамларнинг сув таъминоти яхшиланди. Одамларимизнинг яшаш шароитини яхшилаш учун 8 млн. квадрат метрдан ортиқ кўп қаватли уйлар қурилди. Халқимиз ҳам ўз шароитини яхшилаш учун 19 млн. квадрат метр майдонда қурилиш қилгани юртимизда тўқинчилик ва барака борлигини кўрсатади. Энг катта ютуғимиз —

Фарҳод ЗАЙННОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДА МУҲИМ ВОҚЕА

Якунига етаётган йилда Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи мисли қўрилмаган даражада мустаҳкамланди. Яъни Президентимизнинг халқаро ва минтақавий миқёсда илгари сурган муҳим стратегик ташаббуслари бунга йўл очди. Айниқса, Тошкентнинг Марказий Осиёда дипломатик ҳамда бизнес фаолияти маркази сифатидаги етакчи ролини алоҳида эътироф этсак арзийди.

Хусусан, йил якунида Ўзбекистон ва АҚШ стратегик муносабатларини чуқурлаштиришга қаратилган тарихий воқеа юз берди. 23 декабрь кўни Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Унда олий даражада эришилган келишувлар ижросининг бориши ва Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш истиқболлари батафсил кўриб чиқилди. АҚШ Президенти Дональд Трамп Ўзбекистон етакчисини 2026 йилда Флорида штатининг Майами шаҳрида бўлиб ўтадиган “Катта йигирмалик” (G20) саммитига меҳмон сифатида тақлиф этди. Бу халқаро қузатувчи ҳамда экспертлар томонидан Ўзбекистон учун халқаро муносабатлар тарихидаги муҳим воқеа сифатида қабул қилинди.

Дунё молиявий тизимини барқарорлаштирувчи механизм

“Катта йигирмалик” — дунёнинг энг йирик иқтисодиётига эга бўлган 19 та давлат ва Европа Иттифокини (шунингдек, яқинда Африка Иттифокки ҳам қўшилди) бирлаштирган норасмий форумдир. У 1999 йилда Осиё молиявий инкирозидан сўнг ташкил этилган, дастлаб молия вазирлари ва марказий



банк раислари даражасида бўлган. 2008 йилдаги жаҳон иқтисодий инқирозидан сўнг эса саммит давлат раҳбарлари даражасига кўтарилди. “G20” нафақат иқтисодий масалаларни, балки иқлим ўзгариши, энергетика хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш ҳамда халқаро терроризмга қарши кураш каби глобал муаммоларни ҳам муҳокама қилади.

Геоиқтисодий жиҳатдан у дунё молиявий тизимини барқарорлаштирувчи асосий механизмдир. Масалан, пандемия даврида қарзларни кечиктириш ва вакциналарни тақсимлаш масалалари айнан шу ерда ҳал этилди. Гео-сиёсий жиҳатдан бу майдон “Катта еттилик” (G7 — Фарб давлатлари) ва ривожланаётган йирик давлатлар (БРИКС аъзолари: Хитой, Ҳиндистон, Бразилия ва бошқалар) ўртасидаги кўприк вазифасини ўтади.

Жаҳон иқтисодиётининг 80 фоиздан ортигини, жаҳон савдосининг 75 фоизини ҳамда жаҳон аҳолисининг учдан икки қисмини ташкил этувчи давлат-

ларни бирлаштирган “G20” саммитига тақлифнома, ҳар қандай мамлакат учун юксак эътироф ва кенг имконият, демакдир. Бугунги шиддат билан ўзгараётган дунёда халқаро ташкилотлар ҳамда мулоқот майдонларининг ўрни бекиёс. Улар орасида “Катта йигирмалик” ўзининг иқтисодий қудрати ва сиёсий таъсири билан алоҳида ажралиб туради.

Ўзбекистон учун бу тақлиф бир неча жиҳатдан бекиёс аҳамиятга эга. Яъни бу тақлиф мамлакатимизнинг халқаро эътирофи саналади. Зеро, “G20” саммити нафақат дунёнинг энг йирик иқтисодиётлари етакчилари учун, балки меҳмон давлатлар учун ҳам глобал иқтисодий ва сиёсий кун тартибини шакллантиришда иштирок этиш учун ноёб платформадир.

Истиқболли йўналишларни белгилаш имконияти

Аслида ҳам, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва очик ташқи сиёсатнинг фаоллашуви натижасида кейинги йилларда хорижий мамлакатлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашда салмоқли ютуқларга эришилди.

Шу маънода, Президент Д. Трампнинг Ўзбекистон етакчисини “Катта йигирмалик” (G20) саммитига меҳмон сифатида тақлиф қилгани кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган ўзаро иттиҳлининг тасдиғи бўлди.

Биринчидан, дунёнинг энг қудратли давлатлари раҳбарлари билан бир даврада бевосита мулоқот олиб бориш, мамлакат манфаатларини ҳимоя этиш, халқаро муаммоларга муносабат билдириш ва ҳамкорлик учун янги йўналишларни белгилаш имконияти пайдо

бўлади. Бу эса кўп томонлама муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Иккинчидан, кўп томонлама учрашувда катнашиш инвестициявий ҳोजибдорликни оширишга кўмаклашади. Ўзбекистоннинг халқаро имижини мустаҳкамлаш, унинг инвестициявий ҳोजибдорлигини оширади. Дунёнинг энг йирик инвесторлари ҳамда бизнес вакиллари эътиборини Ўзбекистонга қаратиш, мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва инвестиция муҳитидаги ижобий ўзгаришларни намойиш этиш учун муҳим имкониятидир.


Учинчидан, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликнинг фаол ташаббускорлиги сифатида Ўзбекистоннинг “G20”га тақлиф этилиши, унинг минтақадаги етакчилик позициясини янада мустаҳкамлайди. Бу минтақавий лойиҳалар ва ташаббусларга халқаро эътиборни қаратиш, шунингдек, Марказий Осиёнинг глобал жараёнлардаги ўрнини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг глобал ҳамда минтақавий муаммоларни ҳал этишда ишончли ва стратегик ҳамкор сифатида қабул қилинаётганини кўрсатади.

Тўртинчидан, Ўзбекистоннинг Афғонистон масаласидаги конструктив ёндашуви, умуман, минтақавий хавфсизликни таъминлашдаги роли яна ошишини англатади. Шу билан бирга, дипломатик салоҳият кенгайди — “G20” саммити доирасида кўплаб икки томонлама учрашувлар ва музокаралар ўтказиш имконияти бўлади. Бу эса ташқи сиёсатда янги йўналишларни очиш, мавжуд ҳамкорлик алоқаларини чуқурлаштириш ҳамда глобал муаммолар бўйича консенсусга эришишга ёрдам беради.

Ва нихоят, бешинчидан, бу саммитдаги иштирок минтақимизда кучлар му-

ОБОДЛИК МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва кўп миллатли халқимизга тақдим этган навбатдаги Мурожаатномаси мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичини белгилаб берувчи, халқ билан очик ва самимий мулоқотга асосланган, аниқ мақсад ва механизмларга эга дастурий ҳаракат режасидир.



Президентимиз нутқида ўтган тўққиз йил ичида босиб ўтилган тараққиёт йўлига чуқур таҳлил, эришилган ютуқларга ҳолис баҳо ва энг муҳими, келажак учун қатъий ишонч мужассам. Ялпи ички маҳсулотнинг 145 млрд. доллардан ошиб, экспорт, инвестиция ва олтин-валюта захиралари бўйича тарихий марраларга эришилгани ислохотларнинг қозғода эмас, амалда натижа бераётганининг яққол исботидир. Бу рақамлар ортда ҳар бир маҳаллада, ҳар бир хонадонда сезилаётган фаровонлик, янги иш ўринлари, яхшилانган инфратузилма, инсон қадрли туради.

Шу маънода, 2026 йилни “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиш ташаббуси Мурожаатноманинг бутун моҳиятини ўзида мужассам этган стратегик қарор бўлди. Чунки маҳалла давлат ва жамият ўртасидаги энг ишончли кўприк, ислохотларнинг энг қуйи, энг таъсирчан нуктасидир. Маҳалла обод бўлса — инсон ҳаёти обод бўлади, жамият барқарор ўсади.

Айнан шу нуктада Мурожаатноманда белгиланган беешинчи устувор йўналиш — экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи маҳалла ҳаёти билан чамбарчас боғланади. Чунки экология бу глобал шior эмас, балки инсон тақдир, ҳар бир маҳалланинг ҳавоси, ҳар бир оиланинг фаровонлиги, ҳар бир боланинг саломатлигидир.

Президентимиз томонидан йирик корхоналарда филтър ва тозалаш иншоотларини ўрнатиш билан уйғунлаштиришга қаратилган кучли сиёсий ироданинг ифодаси бўлди. Буни “ривожланиш ҳисобиغا табиатдан воз кечиш” эмас, балки барқарор тараққиёт фалсафаси, дейиш мумкин.

Тошкент шаҳри ва вилоятида кўмирда ишлайдиган филтърсиэз иссиқхоналардан воз кечиш, уларни марказлашган иситиш тизими-га ўтказиш, агрокластерлар ташкил этиш орқали субсидиялар бериш экологик муаммонини маъмурий йўл билан эмас, иқтисодий рағбат орқали ҳал қилишнинг намунасидир. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркор мафсаати билан жамият манфаатининг уйғунлигини таъминлайди.

Шаҳарларда жорий этиладиган экологик стикерлар тизими, ҳавонини кўп ифослайдиган автомобиллар ҳаракатини келаш, жамоат транспортни ривожлантириш, интеллектуал светофорлар орқали

ҳаракатни бошқариш — буларнинг барчаси шаҳар маҳаллаларида соғлом муҳит яратишга қаратилган. Айниқса, электромобиллар учун имтиёзли кредитлар, қувватланган станцияларини ташкил этишга берилган энгилликлар, электр энергияси ҳаражатларининг бир қисмини давлат томонидан қоплаб берилишини “яшил” иқтисодиётни маҳалла даражасига таъшираётган амалий чоралар сифатида баҳолаш мумкин.

Чанг-тўзонларга қарши курашиш мақсадида Сурхондарёда “яшил макон”, Сирдарёда “яшил девор”, Оролбўйида юз минглаб гектар ерларда дархат ва буталар экиш ташаббуслари фақат экологик лойиҳа эмас, балки миллий масъулият ва инсоний бурчдир. Хар бир ҳудудда ботаника ва дендрология боғлари, соя-салқин сайр кўчаларининг барпо этилиши маҳаллаларнинг яшаш сифатига бевосита таъсир кўрсатади.

Экология соҳасида 30 минг нафарга яқин мутахассисларга эҳтиёж пайдо бўлиши, “яшил” техникумлар, дуал таълим тизими, Марказий Осиё Яшил университети фаолиятини кенгайтириш каби ташаббуслар келажак учун сарможа бўлади. Чунки экологик мувозанат фақат инфратузилма билан эмас, тафаккур билан таъминланади.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи эса бутун минтақа учун ҳаётли аҳамиятга эга. Миллиардлаб сўм маблағлар ажратилиб, сув тежовчи технологиялар жорий қилиниши, каналларни бетонлаш, ёпик дренаж тизимларини барпо этиш бугунги кун эмас, эртанги авлод манфаатини кўзал қабул қилинган қарорлардир. Бу ишлар ҳам, энг аввало, маҳаллада, томорқада, деҳқон ҳўжалигида ўз самарасини беради.

Президент Мурожаатномаси фақат келгуси йил режалари эмас, балки Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёти сари аниқ қадамлар дастуридир. Биз депутатлар, фуқаролик жамияти вакиллари ва кенг жамоатчилик билан биргаликда ушбу вазифаларни ҳаётга татбиқ қилиш учун бор куч ва масъулиятимизни сафарбар этишимиз лозим.

Ҳилола ЮСУПОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

МАМЛАКАТ ГИДРОЭНЕРГЕТИКА ХАРИТАСИДАГИ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар мамлакат тараққиётини мутлақо янги bosqichga олиб чиқди. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини қамраб олган ушбу ислохотлар, аввало, инсон манфаатларини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражаси ҳамда сифатини янада оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Сарҳисоб

Макроиктисодий барқарорликка эришиш, бозор механизмларини жорий этиш, молиявий тизимни либераллаштириш, камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган жамики чора-тадбирлар иқтисодиётда барқарор ўсишни таъминламоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, ислохотлар статистика учун эмас, инсон қадрли, шаъни ва келажаги учун амалга ошириляпти.

Иқтисодиётни модернизация қилиш, рақамли трансформацияни жадаллаштириш, “яшил” иқтисодиётга ўтиш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Хусусан, энергия ресурсларига бўлган талаб йил сайин ортиб бораётган бир пайтда, энергетика тизимини тубдан янгилаш, унинг барқарор ва самарали ишлашини таъминлаш стратегик вазифа сифатида белгиланди. Бу жараёнда экологик тоза ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки экологик хавфсизликни таъминлаш нуктаи назаридан ҳам зарур.

Ана шу шароитда гидроэнергетика мамлакат энергетика тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида аҳамияти ортиб бормоқда. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, мавжуд гидроинфраструктура модернизация қилиш ва янги гидроэлектр станцияларини куриш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, ҳудудларнинг энергетик таъминотини яхшилашга эришиляпти.

Гидроэнергетика нафақат ишончли энергия манбаи, балки янги иш ўринлари яратиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

циялари фойдаланишга топширилиб, 841 мегаватт янги қувват яратилди.

Бугунги кунда мамлакатнинг амалдаги гидроэнергетика салоҳияти 2,5 гигаваттга етгани, 2017 йилдагига нисбатан 52 фоизлик ўсишга эришилгани соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг ҳаётий ва самарали эканини яққол тасдиқлайди. Жорий йилда гидро-ресурслар ҳажмининг сезиларли даражада камайишига қарамай, гидроэнергетика тармоғида барқарор ишлаб чиқариш таъминланди. Умумий қуввати 166 мегаватт бўлган 28 та янги объект ишга туширилиб, ҳудудларда юзлаб янги иш ўринлари яратилди.

Замонавий ахборот технологиялари, аниқ прогноزلаш тизимлари ва самарали бошқарув механизмларини жорий этиш орқали гидроэлектр станцияларининг ишончли фаолияти таъминланди. Натижада ҳисобот йилида 6,5 млрд. киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, ушбу



молиявий барқарорлиги ва ишончли шерик эканини намоён этмоқда. Жамиятнинг дунё кредит рейтингларини барқарор сақлаб келаётгани, халқаро аудит ҳамда “ESG” баҳолаш натижаларининг ижобий бўлиши компания фаолиятида очиклик ва масъулият устувор эканидан далолат, албатта. Бу, ўз навбатида, соҳага янги инвестицияларни жалб қилиш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Эътиборлиси, йирик гидро-энергетика лойиҳаларининг амалга оширилиши, жумладан, Норин, Куйи Чотқол ва Тўполанг гидроэлектр станциялари каскадларининг ишга туширилиши мамлакат энергетика харитасида янги имкониятларни очиб берди. Ушбу лойиҳалар орқали электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмлари оширилибгина қолмай, балки ҳудудларни комп-

лекс ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмани яхшилашга ҳам хизмат қилаётди.

Соҳада маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Гидроагрегатлар ишлаб чиқарувчи “UzHydropower” миллий корхонасининг фаолияти ички ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, импорт ўрнини босиш ва янги технологияларни жорий этишда қўл келди. Қисқа муддат ичида юзлаб миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган ускуналарнинг ишлаб чиқарилиши соҳа ривожига муҳим кадам бўлди.

Умуман, гидроэнергетика соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар мамлакатнинг энергетик мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилгани билан ҳам жуда муҳим.

“Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятининг барқарор ривожланиши, халқаро майдондаги эътирофи ва стратегик аҳамиятга эга лойиҳалари Янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим устунига айланиб бормоқда. Қўзланган мақсад аниқ — мамлакат гидроэнергетикасини замонавий технологиялар асосида ривожлантириб, уни янада юқори bosqichga олиб чиқишдан иборат.

Хуршид РАВШАНОВ,
«Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти
Ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи.

«FIDO-BIZNES» kompaniyasi jamoasi aziz vatandoshlarimizni, hamkorlarimizni va hamkasblarimizni kirib kelayotgan 2026-yil bilan samimiy tabriklaydi!

Barchangizga mustahkam sog'liq, yuksak muvaffaqiyatlar va yangi yutuqlar tilaydi.

Yangi yil keng miqyosli hamkorliklar, puxta va oqilona qarorlar, moliyaviy barqarorlik hamda ertangi kunga yuksak ishonch olib kelsin!

РЕКЛАМА

“O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY INVESTITSIYA JAMG‘ARMASI” AJ (“UZNIF”)NING O‘Z AKSIYALARINI QAYTA SOTIB OLISH YO‘LI BILAN USTAV FONDINI KAMAYTIRISH TO‘G‘RISIDA XABARNOMA

Xabarnoma sanasi: 2025-yil 30-dekabr
Ushbu xabarnoma O‘zbekiston Respublikasining “Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to‘g‘risida”gi Qonuni hamda “UZNIF” Ustaviga muvofiq e‘lon qilinmoqda.



FRANKLIN
TEMPLETON



UZNIF

1. Emitent haqidagi ma‘lumotlar
Firmaning to‘liq nomi: “O‘zbekiston Respublikasi milliy investitsiya jamg‘armasi” aksiyadorlik jamiyati.

Yuridik / pochta manzili: O‘zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Niyozbek yo‘li ko‘chasi, 1-uy, 100000.

Veb-sayt: www.uznif.uz

E-mail: uznif@franklintempleton.com.

Tel.: +998 99-433-08-80

2. Xaridni amalga oshirish asoslari

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 19-sentabrdagi “UZNIF” faoliyatini takomillashtirish va uni IPOga tayyorlash to‘g‘risidagi RP-289-sonli qarorini amalga oshirish maqsadida qabul qilingan 2025-yil 26-dekabrdagi yagona aksiyadorning 10-son qarori bilan “UZNIF”ning ustav kapitalini o‘z aksiyalarini qayta sotib olish va ularni bekor qilish orqali kamaytirish belgilangan.

3. Sotib olish predmeti va parametrlari

Aksiyalar turi: oddiy, egasining nomi yozilgan, hujjatsiz aksiyalar; har birining nominal qiymati 1 (bir) so‘m.

Sotib olinadigan va bekor qilinadigan aksiyalar soni: 2 615 346 692 396 dona oddiy aksiya.

Qayta sotib olish muddati: 30 (o‘ttiz) kalendar kuni — yagona aksiyador qarori qabul qilingan sanadan boshlab 2026-yil 25-yanvargacha. Yagona aksiyador jamiyat Ustaviga muvofiq 10 kunlik xabarnoma muddatidan voz kechgan.

Xarid narxi va to‘lov shakli: jami xarid narxi — 2 615 346 692 396,00 so‘m bo‘lib, aksiyador(lar) qaroriga muvofiq ashyo (natura) va naqd pul shaklida to‘lanadi.

4. Qo‘shimcha ma‘lumotlar

“UZNIF” tomonidan sotib olingan o‘z aksiyalari ovoz berish huquqini bermaydi, ovozlar hisobida inobatga olinmaydi va ular bo‘yicha dividendlar to‘lanmaydi hamda ushbu aksiyalar ustav fondini kamaytirish maqsadida keyinchalik bekor qilinadi.

Kreditlarning huquqlari: qonunning 20-moddasiga muvofiq, kreditlar ustav fondi kamaytirilganligi haqida xabardor bo‘lgan sanadan boshlab 30 kalendar kun ichida jamg‘arma majburiyatlarini muddatidan oldin bajarishni hamda bunday kamaytirish bilan bog‘liq zararni qoplashni talab qilish huquqiga ega. “UZNIF” ushbu huquqlarni amalga oshirish uchun zarur darajadagi axborotlarni oshkor etishni ta‘minlaydi.

«Elektron Realtor» МЧЖ



тўғридан-тўғри
музокаралар олиб
бориш йўли билан
ташкиллаштирилган
кўчмас мулклар ва уларга бўлган
ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога
таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142-сонли қарорига асосан “O‘zsanoatqurilishbank” АТБ балансида бўлган:

— Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, “Барҳаёт” МФЙ, 12-мавзе, 27-“А” уйда жойлашган маиший хизмат кўрсатиш биноси сотилади.

Сотиш шарти ва нархи билан “www.e-rieltor.uz” сайти орқали танишиш мумкин.

Савдога қўйилган мулкларни бевосита жойига чиқиб кўриш имконияти бор.

Савдода иштирок этиш учун
талабгорлар **“e-rieltor.uz”**
платформаси орқали ариза беришади.

Call-марказ: +99855-517-22-20.
Расмий сайтимиз: www.e-rieltor.uz

2026/2027 ўқув йилидан Инклюзив марказ таркибида тажриба-синов тарикасида инклюзив-коррекцион мактаб фаолияти йўлга қўйилади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 379 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юқори олинган QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусаххас — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.00 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6